

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ИМКОНИАТЛАРИ

Ахмедова Насиба Ачиловна-ЖДПУ,  
Умумий психология кафедраси катта  
ўқитувчиси  
Асқарова Шахноза -ЖДПУ, Психология  
(амалий психология) йўналиши талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болаларда нутқини ривожлантиришда педагогик ва психологик чоралар ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** мактабгача ёш, тарбия, нутқ.

Инсонни жамиятимиз учун тўлақонли, фаол баркамол шахс сифатида шакллантириш самарадорлигини янада оширишда педагоглар, тарбиячилар ва ота-оналар масъулиятли ва билимли бўлиши жуда муҳимдир.

Бугунги кунда ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги муҳим изланишлар ва қатор ислохатлар мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялаш йўлида катта натижаларга эришиш имконини яратади.

Ёш авлодни тарбиялашдаги бундай эътибор ҳар бир соҳа вакиллари билан бефарқ қолдирмаганидек, болани ҳар томонлама тарбиялаш йўлида мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари ва ота-она ҳамкорлиги баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳамкорлик ўсиб келаётган болалар нутқини раво қилиб ўсиши ва ривожланиши учун ижобий таъсир қилади.

Онтогенезда 3 дан 7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инобатга олган ҳолда 3 даврга (3-4 ёш) кичик мактабгача даври (4-5 ёш) кичик боғча ёши ўрта мактабгача давр (ўрта. боғча ёши) 6-7 ёш ва катта мактабгача давр катта боғча ёшиларга ажратиш мумкин. Бола ривожланиш жараёнида кишилиқ аваоди томонидан яратилган предмет ва ҳодисалар олами билан муносабатга киришади. Бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни фаол равишда ўзлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни, тилини, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилмоғи керак, асосан, шу даврдан бошлаб боланинг мўстақил фаолияти кучая бошлайди. Боғча ёшдаги болаларга бериладиган, тарбия, уларнинг мураккаб ҳаракатларини ўзлаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакаларини шакллантириш, нутқини ривожлантириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик дидининг дастлабки куртакларини ҳосил қилиш давридир.

Машхур рус педагоги Лесгафтнинг фикрича, инсоннинг боғча ёшидаги даври шундай бир босқички, бу даврда болаларда характер хусусиятларининг намуналари шаклланиб, ахлоқий характернинг асослари юзага келади.

Боғча ёшдаги болаларнинг кўзга ташланиб ўқувчи хусусиятларидан бири, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тақидчанлигидир. Бола табиатининг асосий қонунини шундай ифодалаш мумкин: бола ўзлуксиз фаолият кўрсатишни талаб қилади, лекин у фаолият натижасидан эмас, балки фаолиятнинг бир хиллиги ва сурункалилигидан толиқади.

Катталар ва тенгдошлари билан бўлган муносабат орқали бола ахлоқ меъёрлари, кишиларни англаши, шунингдек, ижобий ва салбий муносабатлар билан таниша бошлайди.

Мулоқот маданиятининг жамият тараққиётидаги ўрни, кишилар ўртасидаги тинчлик ва осойишталикнинг энг муҳим тамал тоши эканлиги авалдан маълум.

Зеро, барча маънавий, ахлоқий фазилатларнинг пойдевори, тушунчалари, кўникмалари болалиқдан таркиб топтирилсагина бу пойдевор барқарор бўлади. Маънавий ахлоқий фазилатлар таркибида нутқ, мулоқот, муносабат маданияти алоҳида ўрин тутади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда нутқий муносабатга киришиш малакасини ҳосил қилишда педагог ва оила аъзоларининг эркин, аниқ ва равон нутқи болалар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришнинг биринчи даражали шартларидан ҳисобланади.

Фарзандни дунёга келтириш ва уни парвариш қилиш масъулиятли иш. Шу билан бир қаторда бола тилини равон қилиб ўстириш, маънан соғлом, кенг дунёқарашга эга, ўзи ва бошқалар билан танишиб, атрофда бўлаётган воқеаларга муносабат билдира оладиган шахсни тарбиялаш муқаддас ва бир умр давом этадиган санъат ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болаларда теварак-атрофни кузатиш ва ундаги воқеа-ҳодисаларни англаш воситасида боғланишли нутқни ривожлантириш қуйидаги омилларни ҳисобга олишни тақозо этади:

- тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги нутқий муносабат;
- болалар ўртасидаги сўзлашув, саломлашиш муносабат;
- машғулотлар жараёнида бир-бирига сўзлашув, савол жавоблар бўйича муносабатлар;
- болаларда нутқ кўникмаларини шакиллантириш;
- болалар билан суҳбат учун махсус, унумли ва етарли вақт ажратиш;
- болалар билан тез-тез турли жойларга саёҳатлар уюштириш;
- болаларнинг ўйин фаолиятларидаги муносабат;
- болалар билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиш;
- мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш хусусияти, уларнинг билиш фаолиятида манбаларнинг қулайлиги, сўз захирасини бойитиш;
- теварак-атроф манбалари - ҳайвонот дунёси, табиат ҳодисалари, ўсимликлар дунёси, одамларнинг меҳнат жараёни, хўжалик соҳалари, алоқа воситалари, электростанциялар, денгиз, кўллар, дарёлар ва шаршаралар,

тоғлар, ғорлар, баландликлар, осмон, коинот, ўйинчоқлар, китоб ва расмлар бўлиб, уларни гуруҳларга бўлиб боғланишли нутқни ривожлантириш;

Тарбиячилар ва ота-оналар бола нутқини равон қилиб ўстиришда янада эътиборли бўлишлиги нутқни равон ўсишида болада нутқ, мулоқот маданиятини шакллантиришига ёрдам беради.

Тарбиячи ва ота-она болалар нутқининг ривожлантириш билан шуғулланар экан, боғча ёшидаги болалар баъзи ҳолларда ўз нутқ аппаратларини тўла идора эта олмасликларини унутмаслик керак. Бундан ташқари боғча ёшидаги болаларда мураккаб нутқ товушларини бир-биридан фарқ қилиш қобилияти хали тўла такомиллашмаган бўлади. Шунинг учун боғча ёшидаги баъзи болалар айрим нутқ товушларини бузиб талаффуз этадилар. Одатда бундай болаларни тили чучук болалар деб ҳам юритилади. Тили чучуклик нуқсон эмас. Буни аста-секин тузатиш мумкин. Тили чучукликни тузатишнинг энг муҳим шартларидан бири бола билан тўла ва тўғри талаффуз этиб, равон тил билан гаплашишдир. Тарбиячи буни ота-онага ҳам тушунтириши керак. Чунки, одатда айрим ота-оналарга ўз болаларини ортиқ даражада эркалаб, улар билан болаларча, яъни болага ўхшаб тилини чучуклантириб гаплашадилар. Тили чучук болаларнинг “тили ширин” деб унинг талаффузига мослашишга ҳаракат қиладилар. Бундай қилиш асло йўл қўйиб бўлмайдиган хатодир. Чунки болалар талаффузидаги нуқсон мактабга боргунларича тўғриланмаса, бу нарса болалар нутқининг умумий ўсишига таъсир қилмасдан қолмайди. Тили чучук болалар нутқидаги бу нуқсонни тугатмай мактабга чақирилса, бошқа болалар уларга “соқов” деб лақаб қўядилар. Натижада бундай лақабни хадеб эшита бермаслик учун бундай болалар кам гапирадиган, ўзларини четга олиб юрадиган бўлиб қоладилар. Боғча ёшидаги болаларнинг нутқи ясли ёшидаги болалар нутқига нисбатан анча тараққий этган бўлса ҳам хали уларнинг гаплашишларига қараб туриб ниҳоят даражада сўз етишмаётганини пайқаш осон. Чунончи кичик ва ўрта ёшдаги боғча болаларининг жумлаларида “анақа”, “ану”, “нима”, “индин”, “кейин” каби ноаниқ иборалар жуда ҳам кўп бўлади. Катта гуруҳ болаларида эса бундай иборалар камроқ учрайди.

Шуни ҳам эътирофдан четга қолдирмаслик керакки, нутқ фақат бошқа одамлар билан амалга ошириладиганалоқа воситасигина бўлиб қолмай, балки у болалар учун хулқ-атворларини бошқариш воситаси ҳамдир. Турли ёшдаги боғча болалари ўз хулқ-атворларини, яъни маълум ижтимоий шароитда ўзларини қандай тутишларини тафаккур орқали ўйлаб идора қиладилар. Бунда нутқнинг роли биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Одатда кичик ёшдаги боғча болаларининг нутқлари иккинчи бир одамга эмас, балки ўзларига қаратилган бўлади. Масалан: “Жавоҳир ухлайди”, “Жавоҳирнинг қорни очди” деб гапирадилар.

Болаларнинг ана шундай ўзларига қаратилган нутқларни эгоцентрик нутқ деб юритилади. Катта ёшли боғча болаларида эгоцентрик, яъни ўз – ўзига қаратилган нутқ тугалланиб нормал ҳолга келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, асосий алоқа воситаси бўлган нутқ бола психикасининг тараққиётида бениҳоя катта роль ўйнайди. Боғчада ва оилада тўғри йўлга қўйилган таълим-тарбия ва хусусан, боғчада она тилидан ўтказиладиган махсус машғулотлар туфайли бола нутқини нормал ўстириш мумкин. Бола боғча ёшининг охириги босқичига келганда оғзаки нутқнинг ҳамма турларидан эркин фойдалана оладиган бўлади. Бола нутқининг бундай кейинги тараққиёти мактабда ўқиш процессида амалга оширилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ғозиев Э.Ғ. “Психология” Тошкент – 1994 й.
2. Хасанбоева О. “Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси” Тошкент – 1996 й.
4. Зуннунова Д. “Болангизни биласизми?”. Тошкент – 2009 й.
5. Камалова, Ш. У., Мунарова, Р. У., Ахмедова, Н. А., & Эшонкулов, Б. М. (2015). Педагогические взгляды Абу Али ибн Сины (Авиценны). *Молодой ученый*, (9), 1068-1070.
6. Ахмедова, Н. А. (2018). Медико-социальная характеристика пациентов с частичной вторичной адентией, осложненной и не осложненной зубочелюстными аномалиями. *Research'n Practical Medicine Journal*, 5(2), 114-120.
7. Axmedova, N. (2022). KICHIK MAKTAB YOSHDAGI O 'QUVCHILARDA TA'LIM JAROYONIDA MOTIVATSIYANING O'RNI. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(2).
8. Axmedova, N. (2021). БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕГРАТИВ ПРИНЦИПЛАР. *Мир исследований*, 1(1).
9. Ахмедова, Н. (2022). КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖТИМОЙ КОМПИТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Евразийский журнал академических исследований*, 2(12), 529-532.
10. Axmedova, N. (2022). BO'LAJAK TARBIYACHILARDA SOG'LOM TURMUSH TARZI VA MADANIY GIGIENIK KONIKMALAR KOMPITENTLIGINI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(3).
11. Usmonova, M. (2023). OILAVIY NIZOLARDA FARZAND VA OTA-ONA MUNOSABATLARI. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (1).
12. Usmonova, M. (2023). OILAVIY NIZOLARDA FARZAND VA OTA-ONA MUNOSABATLARI. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (1).
13. Usmonova, M. (2023). O'SMIRLARNING IJTIMOY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI HAQIDA. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 3(3).

- 14.Usmonova, M. (2023). MAKTABDAN TASHQARI TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO'NALTIRISH TALABLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(3), 152-155.
- 15.Shakarboyeva, S. (2022). БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(2).
- 16.Shakarboyeva, S. (2021). БЎЛГУСИ ПЕДАГОГЛАРДА ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (1).
- 17.Шакарбоева, Ш. А. (2021). САМОРАЗВИТИЕ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАК ПРЕДМЕТ СОЦИАЛЬНОЙ ПСИХОЛОГИИ. In *Стратегия научно-технологического развития-2021* (pp. 39-40).
- 18.Шакарбоева, Ш. А. ПЕДАГОГИКА & ПСИХОЛОГИЯ. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. *ПЕДАГОГИКА*, (1), 61-64.
- 19.O'risheva, P. (2024). O'SMIR XULQ-ATVORIDAGI SALBIY O'ZGARISHLAR. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 4(1), 161-167. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9559>
- 20.И.А.Хасанова. (2022). КИЧИК МАКТАБ ЁШИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАФАККУР ЖАРАЁНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИНИНГ ЎРНИ. *EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(12), 186–190. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7339056>
- 21.Хасанова, I. A (2022). DEVIANT XULQ-ATVOR RIVOJLANISHINING OLDINI OLIHDA RUHIY TARBIYA USULLARIDAN FOYDALANISH. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7452>
- 22.Хасанова, I. (2024). IRODA VA UNING TA'LIM JARAYONIDA TUTGAN O'RNI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 4(1), 168-173. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9560>
- 23Хасанова, I. (2024). IRODA VA UNING TA'LIM JARAYONIDA TUTGAN O'RNI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 4(1), 168-173. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9560>
- 24.Хасанова, I. (2024). O'QUVCHILAR TAFAKKURINING RIVOJLANISHIDA TA'LIMNING O'RNI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 4(1), 174-180. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9561>
- 25.Shakarboyeva, & O'ktamova, O. (2024). TARBIYASI OG'IR O'SMIRLARNI IJTIMOYLASHTIRISHDA OILA, MAHALLA, TA'LIM MUASSASASI HAMKORLIKLAGINI RIVOJLANTIRISH USULLARI. *Журнал Педагогики и*

- психологии в современном образовании, 4(1), 139-147. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9555>
- 26.Shakarboyeva, & Qayumov, A. (2024). AUTIZMLI BOLALARNI RIVOJLANTIRISHDA ART TERAPIYA USULLARIDAN FOYDALANISH IMKONYATLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 4(1), 148-154. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9556>
- 27.Shakarboyeva, & Жасурова, Н. (2024). ЎСМИРЛАРДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8831>
- 28.Shakarboyeva. (2024). O‘SMIRLIK DAVRIDAGI SUITSIDNING KELIB CHIQISH SABABLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8726>
- 29.Shakarboyeva, & Худойкулова , Г. (2024). БОШЛАНГИЧ СИМФЛАРДА ЧЕТ ТИЛИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ЎРГАНИШНИНГ ЁШГА ОИД ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8832>
- 30.Fayziyeva, nodira. (2024). YOSH OILALARNING IJTIMOY VA PSIXOLOGIK MUAMMOLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 4(1), 85-90. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9547>
- 31.Fayziyeva, nodira. (2024). YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASH MUAMMOLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 4(1), 119-125. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9552>
- 32.Iroda, X. (2023). SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF LEADERSHIP. *World Bulletin of Management and Law*, 21, 16-18.
- 33.Munira Usmonova, OILAVIY NIZOLARDA FARZAND VA OTA - ONA MUNOSABATLARI , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № I (2023): «СОВРЕМЕННАЯ СОЦИАЛЬНАЯ ПСИХОЛОГИЯ: ТРАДИЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ» I - МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
34. Fayziyeva, nodira. (2024). YOSH OILALARNING IJTIMOY VA PSIXOLOGIK MUAMMOLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 4(1), 85-90. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9547>
- 35.Fayziyeva, nodira. (2024). YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASH MUAMMOLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 4(1), 119-125. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9552>

- 36.Fayziyeva, nodira. (2024). KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O‘QUVCHILARNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 4(1), 126-131. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9553>
- 37..Fayziyeva, nodira. (2024). YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASH MUAMMOLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 4(1), 119-125. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9552>
- 38.Fayziyeva, nodira. (2024). YOSH OILALARNING IJTIMOIIY VA PSIXOLOGIK MUAMMOLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 4(1), 85-90. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9547>
- 39.Собирова, ФН (2024). Психологические особенности учащихся начальных классов. *Wire Insights: Журнал Innovation Insights* , 2 (2), 16–18.
- 40.Файзиева, Н. С. (2023, January). СОСТОЯНИЕ ИЗУЧЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ ОБЩЕНИЯ В ПСИХОЛОГИИ. In *International Conference of Education, Research and Innovation* (Vol. 1, No. 1, pp. 121-126).
- 41.Fayziyeva, N. (2022). KICHIK YOSHIDAGI MAKTAB BOLALARNING KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH. *Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры*, 2(12), 211-215.
- 42.Fayziyeva, nodira. (2024). BOSHLANG‘ICH MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARDA ALOQA KO‘NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH SHAKLLARI VA USULLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8721>
- 43.Sobirova, F. N. (2024). Psychological Characteristics Of Primary School Students. *Wire Insights: Journal of Innovation Insights*, 2(2), 16-18.
- 44.Fayziyeva, N. (2022). KICHIK YOSHIDAGI MAKTAB BOLALARNING KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH. *Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры*, 2(12), 211-215.